

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### “РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ” ВА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА НАШР ИШЛАРИ ХУСУСИДА (1980-1990 ва 1991-1998 йиллар мисолида)

**Тангрикулов Жамшид Эркинович,**  
Термиз давлат университети, ўқитувчи

**For citation:** Dzhamshid E. Tangrikulov. “Developed socialism” and published works at the beginning of independence in Uzbekistan (for example, in 1980-1990 and 1991-1998). 2019, vol. 1, issue 12, pp. 64-73.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-09>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон ССР китобларининг 1980-1990 йилларда, мустақиллик даврининг 1991-1998 йилларда нашр этилган китоблари йилномаси ўрганилган. Библиографик кўрсаткичда китоблар фанлар кесимида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** фан, интеграция, Давлат Китоб палатаси, библиографик кўрсаткич.

### “РАЗВИТЫЙ СОЦИАЛИЗМ” И ИЗДАТЕЛЬСКИЕ РАБОТЫ В УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРВЫЙ ВРЕМЯ НЕЗАВИСИМОСТИ (на примере в 1980-1990 и 1991-1998 годах)

**Тангрикулов Джамшид Эркинович,**  
Термезский государственный университет, преподаватель

## **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются книги из книг Узбекской ССР, изданные в 1980–1990 и 1991–1998 годах. Библиографические указатели анализируются в книгах.

**Ключевые слова:** наука, интеграция, Государственная книжная палата, библиографический указатель.

---

## **“DEVELOPED SOCIALISM” AND PUBLISHED WORKS AT THE BEGINNING OF INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN (for example, in 1980-1990 and 1991-1998)**

**Dzhamshid E. Tangrikulov,**  
Termez State University, teacher

## **ANNOTATION**

It is provided information about chronicle of Uzbek SSR books, sciences formed as a result of the integration of natural, technical, social-humanitarian, technical and social sciences of published books in 1980-1990 and 1991-1998 in the bibliographic indexes as well as that sciences formed as a result of the integration of natural and technical in this article.

**Key words:** science, integration, State Book Chamber, bibliographic index.

---

Фан — дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шакллари-дан бири. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули — оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олган ҳолда [1] жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва восита бўлиб қолади.

Маълумки инсоният тадрижий ривожланиши давомида тўпланган барча билимлари замирида илмий билимлар шакланган. Илм-фан ривожини ва унинг тасниф қилиниши натижасида фанлар туркумлантирилган. Илм-фан ривожини ва фанлараро интеграция ва дифференциация жараёнлари билан боғлиқ ҳолда аста-секиналаҳида фанлар туркуми шаклланиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Жамият тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий-сиёсий вазият ёки ижтимоий эҳтиёжлар натижасида бу фанлар мажмуидан бири бошқасига нисбатан тезроқ ривожланган, ёки ривожланиши секинлашган. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йиллари ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, Ўзбекистон Давлат Китоб палатасининг ҳисобга олувчи-қайд этувчи нашрларини таҳлил қиладиган бўлсак, юрти-

мизда XX асрнинг 1980-1990 йиллари оралигида табиий фанлар, техника фанлари, техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанлар ҳамда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга нисбатан ижтимоий-гуманитар фанлар анча тез ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ўша даврда учун табиий ҳол эди. Чунки, жамиятдаги ижтимоий зиддиятлар йиллар давомида тўпланиб борган, улар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги натижасида муаммолар йиғилиб қолган эди.

Буни ўша йиллардаги оммавий-сиёсий адабиётлар, илмий тадқиқотлар, илмий-оммабоп китоб ва брошюралар, фундаментал библиографик кўрсаткичлар, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, энциклопедиялар, справочниклар, бадиий адабиётларни тартиблаштирган Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси, библиографик кўрсаткичида ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1980 йилда) Библиографик кўрсаткичида 2541 номдаги [2] китоблар қамраб олинган. Шундан 686 номда табиий фанларга, 1329 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 200 номда техника фанларига, 30 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 295 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1981 йилги нашрда жами бўлиб 2660 номда [3] шундан 682 номда табиий фанларга, 1360 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 185 номда техника фанларига, 28 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 405 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

Агарда йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак даврнинг сиёсий-ғоявий мақсадларини тарғиб қилувчи асарлар ошиб борган бўлсада, табиий, техника ва бошқа фанларда доимий пасайиш кузатилади. Жумладан, 1980 йилги нашрда марксизм-ленинизм ғояларини тарғиб қилувчи асарлар 16 номда бўлган бўлса, 1981 йилда 33 номда нашр этилиб, ўсиш 206 % га ошган. Халқаро коммунистик ҳаракат, коммунистик ва ишчи партиялар фаолиятини ҳар тарғиб этувчи адабиётлар 54 номдан 94 номга ошиб, ўсиш 173.9 % ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ғоявий тарғибот асарлари йилдан йилга кўп нашр этиб борилган.

1982 йилги нашрда жами бўлиб 2775 номда [4] шундан 715 номда табиий фанларга, 1358 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 184 номда техника фанларига, 32 номда техника ва ижтимоий фанлар

интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 486 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1983 йилги нашрда жами бўлиб 2937 номда [5] шундан 693 номда табиий фанларга, 1476 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 217 номда техника фанларига, 24 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 526 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1982-йилги нашрда Физика-математика фанларига оид асарлар 81 номда нашр этилган бўлса, 1983- йилги нашрда 60 номда нашр этилиб, 1982 йилга нисбатан 73.8 % га пасайган. Химия фанлари 32 номдан 24 номга камайиб, 1982 йилга нисбатан 74.4 % ни ташкил этган.

1984 йилги нашрда жами бўлиб 3053 номда [6] шундан 759 номда табиий фанларга, 1548 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 201 номда Техника фанларига, 34 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 2 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 509 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1985 йилги нашрда жами бўлиб 2616 номда [7] шундан 641 номда табиий фанларга, 1391 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 142 номда техника фанларига, 44 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 2 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 396 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1984-йилги нашрда Соғлиқни сақлаш фанларига оид асарлар 276 номда нашр этилган бўлса, 1985-йилги нашрда 212 номда нашр этилиб, 76.3 % га пасайган. Энергетика фанлари 15 номдан 9 номга камайиб, 59.4 % ни ташкил этган.

1986 йилги нашрда жами бўлиб 2538 номда [8] шундан 618 номда табиий фанларга, 1362 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 139 номда техника фанларига, 32 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 387 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1987 йилги нашрда жами бўлиб 2585 номда [9] шундан 681 номда табиий фанларга, 1350 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 182 номда техника фанларига, 26 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 346 номда

авторреферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1986-йилги нашрда Халқаро демократик ёшлар ҳаракати фаолиятига оид асарлар 33 номда нашр этилган бўлса, 1987-йилги нашрда 25 номда нашр этилиб, 75.7 % га пасайган. Тоғ саноати соҳасига оид 9 номдан 3 номга камайиб, 33.3 % ни ташкил этган.

1988 йилги нашрда жами бўлиб 2841 номда [10] шундан 710 номда табиий фанларга, 1441 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 203 номда техника фанларига, 32 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 454 номда авторреферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1989 йилги нашрда жами бўлиб 2348 номда [11] шундан 720 номда табиий фанларга, 1375 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 220 номда техника фанларига, 32 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1988-йилги нашрда Биология фанларига оид асарлар 35 номда нашр этилган бўлса, 1989-йилги нашрда 20 номда нашр этилиб, 57 % га пасайган. Сув хўжалигига оид нашрлар 39 номдан 20 номга камайиб, 51.3 % ни ташкил этган.

1990 йилги нашрда жами бўлиб 2101 номда [12] шундан 587 номда табиий фанларга, 1327 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 152 номда техника фанларига, 34 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1980-1990 йилларда жами бўлиб 28995 номда шундан 7492 номда (25.8%) табиий фанларга, 15317 номда (52.8%) ижтимоий-гуманитар фанларга, 2025 номда (7.0%) техника фанларига, 348 номда (1.2%) техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 8 номда (0.02%) табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 3804 номда (13.1%) авторреферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган (1-жадвал).

Шу йилларда иқтисодда пайдо бўлган салбий тенденциялар, халқ истеъмоли молларининг тақчиллиги, пулнинг тобора қадрсизланиши, давлат бюджети камомадининг ўсиб бориши давом этаётган эди. [13]Ва, бу ҳол мустақилликнинг дастлабки йилларида фанлар ривожига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

1991 йилги нашрда жами бўлиб 2004 номда [14] шундан 604 номда табиий фанларга, 1207 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 158



номда техника фанларига, 35 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1992 йилги нашрда жами бўлиб 1495 номда [15] шундан 382 номда табиий фанларга, 982 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 101 номда техника фанларига, 29 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1993 йилги нашрда жами бўлиб 1346 номда [16] шундан 286 номда табиий фанларга, 966 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 80 номда техника фанларига, 14 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1994 йилги нашрда жами бўлиб 1180 номда [17] шундан 240 номда табиий фанларга, 846 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 77 номда техника фанларига, 17 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1995 йилги нашрда жами бўлиб 1481 номда [18] шундан 206 номда табиий фанларга, 842 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 65 номда техника фанларига, 9 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга ҳамда 359 номда автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган.

1996 йилги нашрда жами бўлиб 1282 номда [19] шундан 227 номда табиий фанларга, 980 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 59 номда техника фанларига, 15 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга, 1 номда табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1997 йилги нашрда жами бўлиб 1095 номда [20] шундан 171 номда табиий фанларга, 872 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 43 номда техника фанларига, 9 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1998 йилги нашрда жами бўлиб 1016 номда [21] шундан 138 номда табиий фанларга, 852 номда ижтимоий-гуманитар фанларга, 20 номда техника фанларига, 6 номда техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанларга оид нашрлар чоп этилган.

1991-1998 йилларда жами бўлиб 10899 номда шундан 2254 номда (20.7%) табиий фанларга, 7547 номда (69.2%) ижтимоий-гуманитар фанларга, 603 номда (5.5%) техника фанларига, 134 номда (1.2%) техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган

фанларга, 2 номда (0.01%) табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шакланган фанларга ҳамда 359 номда (3.3%) автореферат, диссертация ишларига оид нашрлар чоп этилган(2-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда советлар тузумининг сўнгги йилларида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлар сабабли ижтимоий-гуманитар фанлар бошқа фанларга нисбатан ривожланди, бу соҳага оид адабиётлар нашри ошиб борди.

(1-жадвал)

### Ўзбекистон ССРда 1980-1990 йилларда нашр этилган китоблар тўғрисидаги маълумот\*

№	Китоб кўрсаткичлари нашр этилган йиллар	Нашр этилган китоблар (номда)	Фан тармоқлари сони	Фанлар мажмуаси										Тўплам, авторефератлар	
				Табиий фанлар		Ижтимоий-гуманитар фанлар		Техника фанлар		Техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шакланган фанлар		Табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шакланган фанлар			
				Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да
1.	1980	2541	50	686	27	1329	52.3	200	7.9	30	1.1	1	0.04	295	11.6
2.	1981	2660	50	682	25.6	1360	51.1	185	7.0	28	1.05	-	-	405	15.2
3.	1982	2775	50	715	25.8	1358	48.9	184	6.6	32	1.2	-	-	486	17.5
4.	1983	2937	49	693	23.6	1476	50.2	217	7.4	24	0.8	1	0.03	526	17.9
5.	1984	3053	50	759	24.9	1548	50.7	201	6.6	34	1.1	2	0.06	509	16.6
6.	1985	2616	49	641	24.5	1391	53.2	142	5.4	44	1.7	2	0.07	396	15.1
7.	1986	2538	49	618	24.3	1362	53.7	139	5.5	32	1.3	-	-	387	15.2
8.	1987	2585	50	681	26.3	1350	52.2	182	7.0	26	1.0	-	-	346	13.4
9.	1988	2841	50	710	25.0	1441	50.7	203	7.1	32	1.1	-	-	454	16.0
10	1989	2348	49	720	30.6	1375	58.5	220	9.4	32	1.4	1	0.04	-	-
11	1990	2101	50	587	27.9	1327	63.2	152	7.2	34	1.6	1	0.04	-	-
<b>Жами</b>		<b>28994</b>		<b>7492</b>	<b>25.8</b>	<b>15317</b>	<b>52.8</b>	<b>2025</b>	<b>7.0</b>	<b>348</b>	<b>1.2</b>	<b>8</b>	<b>0.02</b>	<b>3804</b>	<b>13.1</b>

\* Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси, китоблар кўрсаткичи оммавий-сиёсий адабиётларнинг, илмий тадқиқотларнинг, илмий-оммабоп китоб ва брошюраларнинг, фундаментал библиографик кўрсаткичларнинг, дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларнинг, энциклопедиялар, справочниклар, бадиий адабиётларнинг ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

(2-жадвал)

**Ўзбекистон Республикасида 1991-1998 йилларда нашр этилган  
китоблар  
тўғрисидаги маълумот**

№	Китоб кўрсаткичлари нашр этилган йиллар	Нашр этилган китоблар (номда)	Фан тармоқлари сони	Фанлар мажмуаси										Тўплам, авторефератлар	
				Табиий фанлар		Ижтимоий-гуманитар фанлар		Техника фанлар		Техника ва ижтимоий фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фанлар		Табиий ва техника фанлари интеграцияси натижасида шаклланган фанлар			
				Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да	Китоблар (номда)	% да
1.	1991	2004	43	604	30.1	1207	60.2	158	7.9	35	1.7	-	-	-	-
2.	1992	1495	43	382	25.6	982	65.7	101	6.7	29	1.9	1	0.06	-	-
3.	1993	1346	40	286	21.2	966	71.8	80	5.9	14	1.1	-	-	-	-
4.	1994	1180	39	240	20.3	846	71.7	77	6.5	17	1.4	-	-	-	-
5.	1995	1481	40	206	13.9	842	56.9	65	4.4	9	0.6	-	-	359	24.2
6.	1996	1282	40	227	17.7	980	76.4	59	4.6	15	1.2	1	0.07	-	-
7.	1997	1095	40	171	15.6	872	79.6	43	3.9	9	0.8	-	-	-	-
8.	1998	1016	39	138	13.6	852	83.9	20	1.9	6	0.6	-	-	-	-
<b>Жами</b>		<b>10899</b>		<b>2254</b>	<b>20.7</b>	<b>7547</b>	<b>69.2</b>	<b>603</b>	<b>5.5</b>	<b>134</b>	<b>1.2</b>	<b>2</b>	<b>0.01</b>	<b>359</b>	<b>3.3</b>

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б.16. (Fayzullaev O. Philosophy and methodology of science. – Tashkent: philosophy and law, 2006. – P.16.)

2. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1980 йил). Библиографик кўрсаткич. – Тошкент, 1981. – Б.297. (Yearbook of the Uzbek SSR (1980). Bibliographic index. – Tashkent, 1981. – P.297.)

3. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1981 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1982. – Б.299. (Yearbook of the Uzbek SSR (1981). State bibliographic index. – Tashkent, 1982. – P.299.)

4. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1982 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1983. – Б.303. (Yearbook of the Uzbek SSR (1982). State bibliographic index. – Tashkent, 1983. – P.303.)

5. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1983 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1984. – Б.333. (Yearbook of the Uzbek SSR (1983). Book pointer. – Tashkent, 1984. – P.333.)



6. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1984 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1985. – Б.340. (Yearbook of the Uzbek SSR (1984). Book pointer. – Tashkent, 1985.-B.340.)

7. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1985 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1986. – Б.289. (Yearbook of the Uzbek SSR (1985). Book pointer. – Tashkent, 1986. – P.289.)

8. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1986 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1987. – Б.284. (Yearbook of the Uzbek SSR (1986). Book pointer. – Tashkent, 1987. – P.284.)

9. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1987 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1988. – Б.306. (Yearbook of the Uzbek SSR (1987). Book pointer. – Tashkent, 1988. – P.306.)

10. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1988 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1989. – Б.367. (Yearbook of the Uzbek SSR (1988). Book pointer. – Tashkent, 1989. – P.367.)

11. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1989 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1990. – Б.328. (Yearbook of the Uzbek SSR (1989). Book pointer. - Tashkent, 1990. – P.328.)

12. Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси (1990 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1991. – Б.285. (Yearbook of the Uzbek SSR (1990). Book pointer. - Tashkent, 1991. – P.285.)

13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.45. (Karimov I.A. Uzbekistan is on the verge of gaining independence. - Tashkent: Uzbekistan, 2011. – P.45.)

14. Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси (1991 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1991. 1-12-сонлар. (Chronicle of the press of the Republic of Uzbekistan (1991). – Tashkent, 1991.N. 1-12.)

15. Ўзбекистон Республикаси китобларнинг йилномаси (1992 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1992.1-12-сонлар.(Yearbook of the Republic of Uzbekistan (1992). Book pointer. – Tashkent, 1992. N. 1-12.)

16. Ўзбекистон Республикаси китобларнинг йилномаси (1993 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1993. 1-12-сонлар.(Yearbook of the Republic of Uzbekistan (1993). Book pointer. - Tashkent, 1993.N. 1-12.)

17. Ўзбекистон Республикаси китобларнинг йилномаси (1994 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1994. 1-12-сонлар. (Yearbook of the Republic of Uzbekistan (1994). Book pointer. - Tashkent, 1994. N.1-12.)

18. Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси (1995 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1995. 1-12-сонлар.(Bulletin

of the Republic of Uzbekistan (1995). State bibliographic index. – Tashkent, 1995.N. 1-12.)

19. Ўзбекистон Республикаси китобларнинг йилномаси (1996 йил). Китоблар кўрсаткичи. – Тошкент, 1996. 1-12-сонлар.(Yearbook of the Republic of Uzbekistan (1996). Book pointer. - Tashkent, 1996.N. 1-12.)

20. Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси (1997 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1997. 1-12-сонлар.(Bulletin of the Republic of Uzbekistan (1997). State bibliographic index. – Tashkent, 1997.N. 1-12.)

21. Ўзбекистон Республикаси матбуоти солномаси (1998 йил). Давлат библиографик кўрсаткичи. – Тошкент, 1998. 1-12-сонлар.(Bulletin of the Republic of Uzbekistan (1998). State bibliographic index. - Tashkent, 1998.N. 1-12.)